

ФАН ВА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ

Эркинов Сухробжон Зафаржонович
Жамоат хавфсизлиги университети талабаси

Аннотация. Мақолада педагогика фани ва таълим амалиётини интеграциялашувининг услугий асослари муҳокама қилиниб, инновацияларнинг таркиби, объектлари, белгилари ва бунда педагогик инновациялар сифатини баҳолаш имконияти интеграция механизми сифатида кўриб чиқлади.

Калит сўзлар: таълим майдони, инновация, интеграция, ўқув амалиёти, узлуксиз таълим, инновацион лойиҳа; инновацияларни баҳолаш мезонлари.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фантехниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда. Бундай шароитда, юқори малакали педагогларга бўлган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодни асрлар давомида шакланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини, педагогика ва психология методларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади.

Фан ва таълим интеграцияси, шунингдек, назария ва амалиётнинг уйғунлиги муаммолари доимо долзарб бўлиб келган. Шубҳасиз, интеграция янги сифат билан тавсифланган уйғунлашувасосида бир бутунликни яратишнинг таркибий қисмларини бойитишга олиб келади.

Ўзбекистон ўз иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион парадигмасига ўтиш даврида фан ва таълимнинг интеграциясига алоҳида қизиқиш уйғотди. Чунки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилишининг мазкур таркибий қисмлари интеграцияси мамлакатнинг инновацион ривожланишида муҳим бўлган бўғин: таълим тадқиқот венчур лойиҳалар инновацияларни оммавий ривожлантиришхавфсизлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиши мумкин. Булар албатта Ўзбекистон иқтисодиётининг орқада қолишининг олдини олиши билан бирга, инновацион иқтисодиёт ва ахборот цивилизациясининг асосий

хусусиятларини таълим соҳасида амалга оширишга ёрдам бериши учун мўлжалланган [1].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фан ва таълим интеграцияси, унинг амалий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, назарий-услубий асослари ҳамда амалга ошириш шарт-шароитларини англаш билангина кафолатланган ижобий самара беради [2]. Бунда айнан интеграциянинг кутилаётган муваффақияти учун зарур шарт-шароитларни тушунмаслик, балки фан ва таълим ўртасидаги аниқ ва маҳсус далилларни талаб қиласада уни етарлича баҳолай олмаслик, шунингдек, кўплаб тадқиқотчи ва етакчи олимлар таълим тизимиға муентазам равишда илмий маҳсулотларни жорий этиш даражасининг етарли эмаслигини таъкидлайдилар.

Мана шундай қарама-қаршиликларни биз объектив равишида қўйидаги ҳолатларда:

- психология ва педагогика фанлари билан таълим ўртасидаги боғлиқлик ва ушбу фанлар ютуқларини ўқув амалиётига жорий этиш механизмларининг номукаммалигида;
- тадқиқотлар натижасида яратилган илмий маҳсулотларни таълим жараёнининг таркибий қисмларига жорий этиш ва шунингдек, илмий натижаларни ўқув амалиёти объектларига айлантириш зарурати мавжуд бўлган шароитларда эса илмий-методик воситаларнинг етарли эмаслигида кўришимиз мумкин.

Бироқ шунга қарамасдан, ушбу қарама-қаршиликларни ижтимоий-иқтисодий тизимнинг зарурий бўғини бўлган таълимнинг инновацион фаолиятида ҳал қилишимиз ҳам мумкин. Яъни психология ва педагогика фанлари билан таълим амалиётини интеграциялаш механизмини ишлаб чиқиш орқали ижтимоий-иқтисодий соҳада, шу жумладан таълимда интеграциялашув жараёнининг муваффақиятли инновацион ўзгаришлар натижасига эришиш мумкин [3].

Таълимдаги инновацион фаолият деганда тугалланган илмий тадқиқот ва ишланмалар натижаларини, бошқа фан ва техника ютуқларини, шунингдек интеллектуал мулк объектларини янги ёки такомиллаштирилган педагогик маҳсулотларни таълим жараёнига жорий этишга қаратилган педагогик фаолият тушунилади [4]. Демак, амалий педагогик фаолият тегишли қўшимча тадқиқот ва ишланмалар билан бирга амалга ошириш жараёни бўлиб, бунда таълим жамиятнинг иқтисодий-ҳукуқий тузилиши, иқтисодий ривожланиш қонуниятлари, шунингдек, меҳнат бозорининг ҳозирги шароитлари ҳамда таълим маҳсулотлари ва хизматларига мос келиши даркор. Бундан келиб чиқадики, педагогик инновация инновацион педагогик фаолият натижаси бўлиб, унинг ижтимоий, иқтисодий, бошқарув, экологик, соғлиқни сақлаш

ва бошқа жиҳатларини ўз ичига олган янги таълим самарадорлигини таъминлайди [5]. Бироқ ҳар доим ҳам педагогик тадқиқотлар натижаларини бевосита таълим амалиётига жорий этиш мумкин эмас. Айнан инновацияларгина уларни ўзгартириши ва амалиётга жорий этиш механизми ҳисобланishi мумкин.

Илм-фан ва инновациялар ўртасидаги мазмунли боғлиқлик инновацион лойиҳалар асосида мавжуд таълим амалиётини такомиллаштириш, модернизация қилиш ёки ислоҳ қилиш мақсадида мақсадли ўзгартиришdir.

Инновацион лойиҳаларни уч босқичга амалга ошириш мумкин:

Биринчи босқич - инновацияни лойиҳалаш, яъни унинг натижаси сифатида модел ва дастурлар ишлаб чиқилади;

Иккинчи босқич - технологик босқич ҳисобланиб, бунда дастурни амалга оширилади ва амалиётга татбиқ этилади;

Учинчи босқич - рефлексив босқич ҳисобланиб, бунда инновацион фаолият баҳоланади.

Инновациялар таълимнинг турли жиҳатларини ўзгартиришва янгилашга қаратилади. Жумладан:

- ✓ ижтимоий-педагогик ўзгаришлар;
- ✓ умумий таълим ва касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш;
- ✓ таълимнинг янги мазмунини шакллантириш;
- ✓ янги коммуникацион-ахборот технологиялари, таълим ва фазовий муҳитни лойиҳалаш ва бошқалар.

Инновацион таълим фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- ташкилий шаклларнинг максимал мослашувчанлиги ва чизиқли бўлмаслигини таъминлаш;
- билимларни янгилаш жараёнларини таълим тизимининг барча таркибий қисмларига киритиш;
- ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим заҳираси сифатида инсон истеъдоди, ижодкорлиги ва ташабbusкорлигини ривожлантириш;
- ижтимоий-иқтисодий ва таълим муҳитидаги ўзгаришларни кузатиш асосида таълим технологияларини доимий равишда янгилаб бориш;
- иккита инновацион схема (биринчиси –инновацияларни яратиш ва рағбатлантириш, иккинчиси –уларни танлаш ва ишлаб чиқиш)нинг ўзаро таъсирини таъминлаш [6].

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, тугалланган психолого-педагогик тадқиқотларнatiжалари инновацион педагогик фаолият асосида ётадива бупедагогик инновацияларнинг назарий асоси ҳисобланади. Шу сабабли ҳам педагогика фани, таълим амалиёти ва педагогик инновацияларнинг интеграцияси зарурдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, таълимдаги инновациялар фан ва таълим интеграциясини таъминловчи омил ҳисобланиб, бу фан ютуқларини таълим жараёнинга жорий этиш билан бирга таълимни ривожлантиришга хизмат қиласи. Педагогик фаолиятнинг ушбу учта ўзаро боғлиқ турини фарқлаш учун жадвалда уларнинг аниқлаш хусусиятлари кўрсатилган.

Таълим инновациялари салоҳияти мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишига таъсирини ўрганиш, педагогик инновациялар сифатини баҳолаш, бунинг учун зарур бўлган мезонларни ишлаб чиқиши ва таълим муассасаларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш муаммосининг долзарблигини кўрсатади. Шу ўринда педагогик инновациялар муаммосини тизимли ҳал қилиш педагогик инновациялар сифатини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишини талаб қиласи.

Адабиётлар:

1. Adilova M.F. (2022). Innovation yondashuv asosida bo‘lajak pedagoglarning kommunikativ kompetentligini shakllantirish. Integration of science, Education and practice. Scientific-methodical journal, 3(7), 99-106.
2. Adilova M.F. (2022). Methods of Innovation Approach to Forming Communicative Competence of Future Educators. Eurasian Scientific Herald, 10, 53-58.
3. Adilova M.F. (2022). Psychological and pedagogical factors of innovative approach to the formation of communicative competence of the future teacher. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(04), 304-308.
4. Салаева М.С. Профессионал даражага эришиш мақсадида педагогнинг виртуал мобиллигини ривожлантириш / “Хорижий тилларни ўқитишининг долзарб масалалари” мавзусидаги Халқаро онлайн илмий-амалий конференция. ТошҶЎТАУ, Электрон тўплам.. 2021йил 5 май. –Б. 230-234.
5. Адилова М.Ф. (2020). Реформы в образовании Узбекистана: состояние и перспективы. Science and Education, 1(7), 452-455.
6. СалаеваМ.С., Джумабаева М.Б. Педагогнинг кичик мактаб ёшидаги болаларни ижтимоий мобиллигини оширишга таъсири// ижтимоий фанларда инновасия онлайн илмий журнали, ISSN -2181-2608. With Impact Factor: SJIF: 5.426 -Б. 59–62. Retrieved from <http://www.sciencebox.uz/>